

**КИЧИК МАКТАБ ЁШИДАГИ ЎҚУВЧИЛАРДА ИРОДАВИЙ
СИФАТЛАРИНИ ПСИХОЛОГИК ЖИХАТЛАРИ**

**Қаршибоева Гулноза Абдуқодировна, Умумий психология
кафедраси катта ўқитувчиси**

Қобилова Насиба Исламжоновна, магистр

Жиззах давлат педагогика институти

Аннотация: Мақолада кичик мактаб ёшидаги ўқувчиларда иродавий сифатларини психологик жихатлари очиб берилиб, ёш болалардаги ихтиёрий ҳаракатларнинг тараққий этиши англанган ҳаракатлар ва катталарга тақлид қилишнинг юзага келиши билан бөглиқлиги ёритилган.

Калит сўзлар: Ёш болалар, ихтиёрий ҳаракатлар, тараққий этиш, англанган ҳаракатлар, катталарга тақлид, юзага келиш, иродавий сифатлар.

Ихтиёрий идора қилишнинг онтогенетик ривожланиши ҳақида С.Л.Рубинштейн шундай ёзади: “Боланинг биринчи аниқ бир обьектга йўналтирилган, қандайдир “муаммони” ечишга қаратилган фикрий фаолияти иродавий актнинг примитив кўринишидир. Лекин ироданинг бу примитив кўринишдан мураккаб шаклдаги иродавий ҳаракатлар учун ҳали анча узоқдир. Адабиётларда таъкидланишича, ирода илк болалик даврида мустаҳкам бўлмасдан, ўсмирлик даврига келиб, у худди ақл сингари янги қирраларини намоён қиласди. Аслида эса, иродавий ҳаракатлар инсонда жуда эрта намоён бўла бошлайди: Ҳаттоқи З ёшли боланинг ҳаракатларини барчасини инстинктлар билан боғлаш умуман нотўғридир. Ҳақиқатдан олганда, ирода илк болалик давридан ривожланишни бошлайди ва узок давом этади. Бу тараққиёт жараёнинг ҳар бир босқичида ирода ўзининг алоҳида хусусиятларига эга бўлади”.

Ёш болалардаги ихтиёрий ҳаракатларнинг тараққий этиши англанган ҳаракатлар ва катталарга тақлид қилишнинг юзага келиши билан бөглиқдир. Сиз томонингиздан ўтказилаётган таъсирлар болада мухим фактларни, яъни

аниқ бир хатти-ҳаракатлардан сўнг аниқ бир вазиятлар юзага келиши мумкинлигини таркиб топишига олиб келади. Энди, у бу ҳаракатларнинг шу вазият юзага келиши учун содир эта бошлайди.

1-2-синф ўқувчилари иродавий хатти-ҳаракатларни катталарнинг, айниқса, ўқитувчининг кўрсатмалари асосида амалга оширса, 3-4-синфларга келиб, эса ўз шахсий мотивлари асосида амалга оширадилар. Ўқитувчи жисмоний тарбия дарсларида қатъиятлиликнинг намоён қилиши мумкин. Секин-асталик билан вазминлик ривожлана бошлайди ва импульсивлик шахс хусусияти сифатида кучсизланиб боради. Бироқ, кичик мактаб ёшидаги болалар иродавий хатти-ҳаракатларни фақатгина катталарнинг, айниқса ўқитувчининг олидида ўзини яхши кўрсатиш ва унинг эътиборига тушиш учунгина амалга оширадилар. Шу ўринда, 3-синфга келиб ўқувчиларда иродавий сифатлардан бири бўлмиш кескинликнинг яққол намоён бўлишини таъкидлаб ўтиш жоиздир.

Бола инсоний муносабатлар тизимида ҳам алоҳида ўрин эгаллаётганини, ота-онаси, яқинлари, атрофдагилари унга ёш боладек эмас, балки ўз вазифалари, мажбуриятлари бор бўлган, ўз фаолият натижасига кўра хурматга сазовор бўлиши мумкин бўлган алоҳида шахс сифатида муносабатда бўладилар. Бунинг натижасида боланинг ўз-ўзидан оиласи, синфи ва бошқа жамоалардаги ўз ўрнини англай бошлаганини қўриш мумкин. Бу даврда боланинг “Мен шуни хоҳлайман” мотивидан “Мен шуни бажаришим керак” мотиви устунлик қила бошлайди. Мактабда биринчи синфга келган ҳар бир ўқувчидаги психик зўриқиши кучаяди. Бу нафақат унинг жисмоний саломатлигига, балки ҳатти-ҳаракатида ҳам, яъни маълум даражада қўрқўвни кучайиши, иродавий фаолликнинг сусайишида намоён бўлади.

Бу даврга келиб бола атрофидагилар билан ўзаро муносабатда маълум бир натижаларга эришган, ўзи хохлаётган нарсаларни ҳамда, ўз оиласида ўзи эгаллаган ўрнини аниқ биладиган бўлади. Шунингдек, у ўзини-ўзи бошқариш малакасига эга бўлади, вазият ва ҳолатга қараб иш

юрита олади. Бу ёшдаги болалар ҳатти-ҳаракатлари ва мотивлари уларнинг ўзларига берадиган баҳоларига қараб '*Мен яхши боламан*' эмас, балки бу ҳатти-ҳаракатлар ўзгалар кўз ўнгидан қандай намоён бўлишига қараб баҳоланишини тушуна бошлайдилар.

Е.П.Ильиннинг таъкидлашича, аксарият инсонларда иродада мустақиллиги баъзан қайсарлик каби алоҳида ҳолатларда кўринади. Бу ҳолат шундан иборатки, инсон бошқа кишиларнинг айтган ҳамма гапларига, маслаҳат, илтимосларига, қоида ва бошқа йўл-йўриқларига қаршилик кўрсатади. Қайсарлик қилаётган одам буюрилган ишни қилмайди-да, ўз билганини қилаверади ёки буюрилган ишнинг тескарисини қиласди.

Қайсарлик – бу исталган ёки зарурый, айни пайтда ишдаги муваффақиятлар, қийинчилик ва омадсизликлар билан курашишда “шу ерда ва ҳозир” тамойилига эришишга интилишдир. Бу хусусият нима бўлишидан қатъи назар, мақсадга эришишга интилиш билан боғлиқдир. П.А.Рудикнинг таъкидлашича, қайсар одам омадсизлик олдида таслим бўлмайди.

Е.П.Ильиннинг таъкидлашича, шахсда қайсарлик сифатини кўриб чиқишида иккита хатолик юзага келади: биринчидан, бетгачопарлик иродасизлик сифатида кўриб чиқилиб, салбий хусусият, деб баҳоланади. Бироқ, қайсарлик қатор вазиятларда инсоннинг қўйилган мақсадларга эришиши мумкинлигига қаттиқ ишонишга асосланган бўлиши ҳам мумкин.

Иккинчидан, кўпинча қайсарлик қатъиятлиликнинг салбий кўриниши сифатида талқин қилинади. Айрим олимлар қайсарлик ва қатъиятлиликни бир нарса деб тушунадилар. Аслида, улар бир-биридан фарқланувчи иродавий сифатлар ҳисобланади.

Кичик мактаб ўқувчилари фаолиятига назар ташлайдиган бўлсак, қайсарлик сифатлари вазият, ҳолат тақозоси билан юзага келиши билан тавсифланадиган шахснинг салбий хислатидир. Аксарият ҳолларда кичик мактаб ёшидаги ўқувчиларнинг қайсарлиги ўз эҳтиёжларини қондириш, англанмаган мақсадлар сари интилишларида намоён бўлади.

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Жуков, М.Н. Подвижные игры: учеб. для студ. пед. вузов /М.Н. Жуков - М.: «Академия», 2000. -160 с.
2. Зимин П.П. Воля и ее воспитание у подростков. – Т: Узбекистан, 2001. – 145с.
3. И.Хайриев Ирода психологияси Ўзбекистон Республикаси ФА “Фан” нашриёти, 2010
4. Иванников В.А. Психологические механизмы волевой регуляции М.: 1998. – 218с.
5. Иванников В.А., Эйдман Е.В. Структура волевых качеств по данным самооценки Психологический журнал. М: 1990. №3. – (с 39-50)
6. Иванов П.И., Зуфарова М.Е. Умумий психология. Тошкент, 2008
7. Ильин Е.П. Психология воли. СПб: Питер, 2009. – 324с.
8. Калугин, М.А. Развивающие игры для младших школьников. Кроссворды, викторины, головоломки. Популярное пособие для родителей и педагогов /М.А. Калугин, Н.В. Новоторцева //Художники Г.В. Соколов, В.Н. Куроев. - Ярославль: «Академия развития»,2000. - 224 с.
9. Qarshiboyeva, G.Ozligingni angla. Архив Научных Публикаций JSPI, 1-52.
10. Каршибаева, Г. А., & Эшмуратов, О. Э. (2018). Факторы суициального поведения, влияющие на формирование подросткового поведения. Молодой ученый, (49), 235-237.
11. Qarshiboyeva, G.ХАЁТНИ СЕВИБ ЯШАНГ!. Архив Научных Публикаций JSPI, 1-48.
12. Qarshiboyeva, Г.ЯЗЫК И ФОРМИРОВАНИЕ ВЫСШИХ ПСИХОЛОГИЧЕСКИХ ФУНКЦИЙ. Архив Научных Публикаций JSPI.
13. Qarshiboyeva, G.OILADA BOLALARNI XALQ OG ‘ZAKI IJODI NA’MUNALARI ASOSIDA TARBIYALASH. Архив Научных Публикаций JSPI.
14. Qarshiboyeva, Г.ПСИХОЛОГИК МАСЛАҲАТ. Архив Научных Публикаций JSPI.
15. Qarshiboyeva, G., & Abdurasulov, R. Oquvchi sportchilarning intilish darajasi. Архив Научных Публикаций JSPI.
16. Каршибаева, Г. А.Особенности суициального поведения в подростковом возрасте. Молодой ученый, (7), 663-665.
17. Каршибаева, Г. А. Суициальное поведение-сложное социально-психологическое явление. In Психологические науки: теория и практика (pp. 37-39).
18. Каршибаева, Г. А., Н.Абдукадырова, Н. Х. Психологические особенности педагогических конфликтов. In Психология: традиции и инновации (pp. 65-68).
19. Каршибаева, Г. А.Психопрофилактические меры по предотвращению самоубийств у подростков. Молодой ученый, (49), 233-235.

20. Каршибаева, Г. А. Теоретическая основа проблемы психологических особенностей подростков с суицидальным поведением. Молодой ученый, (49), 230-233.